МАВЛОНО ЛУТФИЙНИНГ УЙҒУР ЁЗУВИДА БИТИЛГАН ШЕЪРЛАРИ

Қ.СОДИҚОВ

В статье дано источниковедческое описание газелей Лутфи, дошедших до нас на уйгурском письме, осуществлен их сравнительный анализ с вошедшими в диван вариантами.

In this article is given the source of description poems Lutfi, followed up to us on Uygur nation letter, and their comparative analysis with variants, including in divan

Эътибор қаратилаётган масалалар:

Мавлоно Лутфий ўз асарларини қандай ёзувда битган?

Лутфий девонининг илк нусхаси уйғур хатида эди.

Лутфийнинг уйғур ёзувида битилган шеърлари девоннинг араб ёзувли эмас, балки уйғур ёзувли қўлёзмаларидан олинган.

Шоирнинг уйғур хатида етиб келган шеърияти.

Уйғур ёзувида битилган шеърларнинг девондаги шеърлар билан қиёсий таҳлили.

Манбалар очиқламаси

Мавлоно Лутфийнинг қадимги туркий-уйғур хатида битилган ўн учта ғазали маълум (уларнинг орасида бир шеър икки қўлёзмага киритилган, ўшани ҳам қўшсак, сони ўн тўртта бўлади). Ушбу шеърлар шоирнинг девонида ҳам бор. Бироқ, уйғур ёзувидагилари шуниси билан қадрлики, улар кунимизга қадар сақланган девон қўлёзмаларидан бурунроқ, ҳатто, айримлари шоирнинг тириклиги чоғида кўчирилган. Мансур бахши тузган мажмуага киритилган шеърларни бунга ўрнак қилиб келтирса бўлади. Мажмуа 1432 йили Язд шаҳрида битилган. Ушбу шеърларни Лутфийнинг ўзи кўриб ўқиб чиққан, улар шоирнинг розилиги билан тўпламга киритилган бўлуви мумкин. Етиб келган девон қўлёзмаларининг энг эскиси эса 15- аср охири – 16- асрнинг бошларига тегишли [1].

Яна бир белгиси, уйғур ёзувидаги шеърлар билан девонга киритилган шеърларнинг матний жиҳатдан фарқи катта; уйғур ёзувидагилари, ҳатто кейинги кезларда кўчирилганлари ҳам, эскироқ нусхадан олинганлиги билиниб туради.

Бизнингча, шоирнинг ўз қўли билан тузган девони уйғур хатида эди. Чунки Лутфий ва тенгқурларининг саводи ана шу ёзувда чиққан, улар ўз асарларини уйғур хатида битган. Бахшилар шунга таяниб, девоннинг илк қўлёзмаларини уйғур хатида кўчирганлар. Шоирнинг турли мажмуалар таркибида етиб келган уйғур ёзувли шеърлари ҳам ана ўшалардан олинган. Кейинчалик, замона зайли билан, котиблар уйғур ёзувли девонни араб хатига ўгириб чиққанлар. Кейинги нусхалар оммалашиб кетгач, илкин – уйғур ёзувидаги қўлёзмалар унутила бошлаган. Илк нусхаларнинг йўқолиб кетишига шулар сабаб.

Лутфий девонининг биз уйғур ёзувида битилган дея чамалаётган илк ёки ундан кўчирилган уйғур ёзувли бошқа бир қўлёзмаси сақланган эмас, бор бўлса ҳам фанга номаълум. Лекин уйғур ёзувли девондан олинган шеърлари турли даврларда тузилган мажмуалар таркибида ва ёлғиз варақ кўринишида қолган. Эҳтимол, бахшилар айрим шеърларни девон тузилмасдан бурун битилган қўлёзмалардан олган бўлуви ҳам мумкин. Нима бўлганда ҳам, Лутфийнинг уйғур ёзувида етиб келган шеърлари араб ёзувли эмас, балки уйғур ёзувли бошқа бир манбалардан кўчирилгани аниқ.

Матнларда яна бир муҳим белги кўзга ташланади: 15-асрнинг биринчи ярмигача кўчирилган матнлар ёлғиз уйғур хатида. 15-асрнинг иккинчи ярмидан кейин то аср охирларига қадар кўчирилган қўлёзмалар эса икки хил ёзувда: тепа қаторида уйғур хатида битилиб, остида тагма-таг араб ёзувида ўқилиши берилган. Ушбу ҳодиса, бирламчи, ёзув тарихидаги кўчиш – бир ёзувдан бошқасига ўтиш жараёнини билдирса, иккиламчи, Лутфий асарларининг асли уйғур ёувида бўлгани, замон талабига кўра котиб уларни араб хатига ўгириб бераётганини билдиради. Бу кезлар кекса ёшдагилар ва ўқимишли кишиларгина уйғур хатидан фойдалана олган, ёш-яланглар эса эски хатни унута бораётгани сабаб ёзув амалиётида котиблар шундай йўл тутган кўринади.

Лутфийнинг уйғур хатида қолган шеърлари қуйидаги манбаларда:

I–IV ғазаллар. Язд шаҳрида 1432 йили Мансур бахши кўчирган мажмуага бир қанча ўзбек классиклари қаторида Мавлоно Лутфийнинг ҳам тўртта ғазали киритилган [2]. Ушбу қўлёзма ҳозир Британия Музейида Or. 8193 рақами остида сақланмоқда.

V ғазал. Лутфийнинг беш байтли ушбу ғазали Истанбулдаги Тўпқопи саройи архивида сақланаётган II Боязидга тегишли ҳужжатлар

орасида 11980-С рақамли вараққа битилган [3]. Ғазалнинг матни икки хил ёзувда: уст қаторда уйғур ҳарфлари билан қорада, ўқилиши эса тагма-таг араб ҳарфлари билан қирмизи рангда ёзилган; кўчирилган даври ва котиби номаълум.

VI–XIV ғазаллар. 1480 йили Истанбулда Абдураззоқ бахши кўчирган қўлёзмага Мавлоно Лутфийнинг тўққиз ғазали киритилган. Қўлёзма ҳозир Истанбулдаги Сулаймония кутубхонасининг Аёсофия бўлимида 4757 рақами остида сақланмоқда [4]. Ушбу қўлёзмада ҳам Лутфий шеърлари икки хил ёзувда: уйғур ҳарфларида ёзилиб, ўқилиши эса тагма-таг араб ҳарфларида берилган.

Ғазалларнинг бошланишига *Lutfî; Lutfî sözi; Lutfî aytur; Lutfî ğazalï; Bu dağï Lutfînïŋ ğazalï; Bu dağï Lutfînïŋ; Mavlānā Lutfînïŋ ğazalï* сингари сарлавҳалар қўйилган. Сарлавҳаларнинг бундай кўринишда қўйиб борилиши ҳам уйғур ёзувли матнларга хос; уларда қадимги турк матн тузиш анъаналарига амал қилинган.

Ҳозирги ўзбек имлосида Мавлононинг тахаллусини *Лутфий* (лотин ҳарфларида *Lutfiy*) кўринишида ёзамиз. Араб тилида нисбий сифат музаккарда *-iyy(un)* қўшимчаси орқали ҳосил қилиниши сабаб ҳозирги имломизда ҳам тахаллус шакллари ана шундай олинган. Бироқ уйғур ёзувли матнларда бу қўшимчани *-iy* эмас, *-î* деб беради. Шунга кўра, шоирнинг тахаллусини *Lutfiy* эмас, чўзиқ *-î* билан *Lutfî* деб ўқилгани тўғри. Унли билан тугаган сўзларда эса ушбу қўшимчани *-yî* деб беради. Жумладан, Алишер Навоийнинг тахаллуси уйғур хатида биз ҳозир ёзаётганимиздек эмас, балки *Navāyî* шаклида берилган. Араб ёзувли қўлёзмаларда бу сўзларнинг ёзилиши шундай: **لطفي** , **نوايى** . Буларнинг ўқилиши ҳам уйғур ёзувидагининг айнан ўзидир: ундошдан кейин келаётгани *-î*, унлига қўшилаётгани эса *-yî* ўқилади. Демак, келтирилган мисоллар ўтмишда ушбу тахаллусларнинг *Lutfî, Navāyî* деб айтилгани ва ўшандай ёзилганлигига далилдир.

Ғазалларнинг нусхалараро чоғиштирма таҳлили

Мавлоно Лутфий девонининг шу чоққача чоп эттирилган нашрлари ичида тўлиғи 1997 йили Анқарада чиққан нашридир (Lutfî Divanı. Giriş–Metin–Dizin–Tıpkıbasım. Günay Karaağaç. Ankara, 1997). Анқара нашрига девоннинг париж нусхаси (Supp. Turc. 981: қўлёзма 16-асрда кўчирилган) асос қилиб олинган. Унга лондон (British Library, Add. 7914: 914/1509 йили Ҳиротда кўчирилган), готха (T 211), Истанбул университетининг кутубхонасида сақланаётган нусха (TY 5452: 16- асрда кўчирилган), теҳрон (Sipahsālār 174) ва бурса (Müze 113/156: 16–17- асрлар) нусхалари қиёсланиб, фарқлари кўрсатилган [5].

Энди уйғур ёзувидаги матнларнинг айримларини ана шу девондаги вариантлари билан чоғиштириб кўрамиз.

Уйғур ёзувида битилган 4- ғазалнинг девондаги варианти қуйидаги байт билан тугайди:

Vazzuhā val-layl oqur-men zulf-u yüzüŋni körüp,

Kečti Lutfî ’umrï-vu virdi erür bu subh-u šām.

Шеърнинг ушбу мақтасида шоирнинг тахаллуси ҳам кечган. Уйғур ёзувли матнда эса шеър бунинг билан тугамайди. Матнда фарқ бор: биринчи сатрдаги *zulf-u yüzüŋni* бирикмаси *yüz-u zulfuŋnï* шаклида берилган; бу байт мақта бўлмагани учун шоирнинг тахаллуси ҳам учрамайди: иккинчи сатрда шоирнинг тахаллуси берилган *kečti Lutfî ’umrï-vu virdi* жумласи уйғур ёзувли вариантида *kečti ’umrum barča-vu virdim* кўринишидадир:

Vazzuhā val-layl oqur-men yüz-u zulfuŋnï körüp,

Kečti ’umrum barča-vu virdim erür bu subh-u šām.

Уйғур ёзувли матнда бунга яна бир байт қўшилган. Ғазалнинг ушбу мақтасида шоирнинг тахаллуси тилга олинади. Мана ўша байт:

Ïtlarïŋïz birlä boldï Lutfî yarïm āšinā,

Jān qadamlarï fidāsï qïlsalar išni tamām.

Бошқа бир мисол. Уйғур ёзувида битилган беш байтли 9- ғазал қуйидагича тугайди:

Körklüg üčün habib körünmäs jafāsï heč,

Dušnām nečä bersä, bu Lutfî du’ā qïlur.

Девонда эса бу байт йўқ, унинг ўрнида қуйидаги байт келган:

Yüzün sifātï Lutfî sözin nāzuk äylädi,

Gul sadqasï durur ne-ki bulbul navā qïlur.

Бунинг сингари ўзгартишларни шоирдан бошқа бирор кимасанинг киритиши мумкин эмас. Айниқса, 4- ғазал Лутфийнинг ўз назаридан ўтганлиги кўзда тутилса, бунга ҳеч иккиланмаса ҳам бўлади. Кўринадики, Лутфий девони шоирнинг тириклиги чоғидаёқ икки хил вариантга эга эди: шоир ўз девонини тузиб котибларга топширгандан кейин, орадан вақт ўтиб, уни қайта кўриб, таҳрирдан ўтказган. Иккинчи вариантида ҳам шеърларга жиддий ўзгартишлар киритилган. Шундай қилиб, девоннинг икки хил варианти юзага келган. Девоннинг бизгача етиб келган қўлёзмалари, турли мажмуаларга киритилган шеърлари эса мавжуд вариантларнинг у ёки бунисидан олинган. Шунинг учун ҳам уларнинг фарқи катта.

Уйғур ёзувидаги шеърларни девондаги вариантлари билан чоғиштирилганда айрим қусурларни ҳам тузатишга имкон туғилади. Бунга ҳам бир-икки ўрнак.

Уйғур ёзувида битилган 9- ғазал қуйидаги байтлар билан бошланади:

Boldï bahār-u jān qušï ul yan havā qïlur,
Har nečä ul nigār-i sumanbar jafā qïlur.
Gar qïlmasa jafā meŋä dilbar ’ajab degül,
’Umr-i ’aziz kimgä jihānda vafā qïlur?

Шу ўринда илк байтнинг маъносига таянган ҳолда, учинчи сатрга эътибор қаратайлик: ундан “дилбар менга жафо қилмаса, ажабланмаса ҳам бўлади” деган маъно келиб чиқади. Классик адабиётда маҳбубанинг таърифида бундай дейилмайди. Демак, жумлада ғализлик бор. Девонда эса ғализлик йўқ: jafā ўрнида vafā берилган:

Gar qïlmasa vafā meŋä dilbar ’ajab degül,
’Umr-i ’aziz kimgä jihānda vafā qïlur?

Ана энди маъно ҳам ечимини топди: “Дилбар менга вафо қилмаса, ажабланмаса ҳам бўлади. Умри азиз жаҳонда кимга вафо қилибдики, менга қилсин?” – деган маъно келиб чиқади.

Уйғур ёзувида битилган 11- ғазалда шундай байт бор:

Boldï köŋlüm qušï sayd(ï) özgä dām-u dānağa,
Garči bir yolï ’ināyat közidin saldïŋ meni.

Биринчи сатрга эътибор берилса, “кўнглим қуши (сени ташлаб) ўзга тузоқ ва донга илинди, яъни кўнглим бошқа ёрга кетди” деган маъно келиб чиқади. Ушбу жумладаги boldï феъли девонда инкор шаклида (bolmadï) берилган. Энди маъно ҳам ойдинлашади: у “кўнглим қуши сендан ўзга тузоғу донга илинмади, яъни сендан ўзгага боғланолмади” деган маънони беради:

Bolmadï köŋlüm qušï sayd(ï) özgä dām-u dānağa,
Garči bir yolï ’ināyat közidin saldïŋ meni.

Ғазаллар матни

Энди Британия Музейида сақланаётган Or. 8193 сонли мажмуа, Истанбулдаги Тўпқопи саройи архивида II Боязидга тегишли ҳужжатлар орасида сақланаётган 11980-C рақамли варақдаги ҳамда Сулаймония кутубхонасининг Аёсофия бўлимида сақланаётган 4757 сонли мажмуага киритилган шеърларини келтирамиз. Ушбу шеърлар девондаги вариантлари билан чоғиштириб борилади.

I. Lutfî

*Ğamzaŋïz xuni-vu hardam köŋlüm ul yan tartadur,
Barmasam bolmas qašïna, čun meni qan tartadur.
Dād közüŋdin-ki dinğa nečä yüz ursam, meni
Kufr sarï zulm[1] ilä ul nāmusulmān tartadur.[2]
**Hāk-i pāyï-kim aŋa zulfï tegär köp istäräm,
Ya meni tupraq, ya rizq-i parišān tartadur.
Alnïda[3] jān tartadur-men tā magar tüšäy qabul,
Heč[4] nazar qïlmas bu miskin sarï-kim, jān tartadur.
***Qašlarï yasïn qulaqqa yetkürä[5] tartar közi,
[.....][6].

И з о ҳ л а р:

Бу ғазал Лутфий девонининг анқара нашрида 86-рақам билан берилган.

*Ушбу байт девонда Körgäli laʻlïŋ ʻaqiqïn[деб бошланади; кейинги мисраси Bu yaman andišaligni goyiyā[деб бошланади; [1] девонда: sehr; [2] Шундан кейин девонда қуйидаги байт келган:

Šakkar irnin bir körüp ikki közümniŋ tābasï,
Sormayïn bilmiš bahāsïn laʻl-u marjān tartadur.

** Девонда бу байт кейинги байтдан кейин келган; [3] девонда: allïda; [4] девонда: bir; *** Девонда бундан олдин қуйидаги икки байт бор:

Dunyaliktä mendä bir jān erdi, biryan äylädi,
Emdi üsrük közläri har biri bir yan tartadur.
Mayl etär öz jinsïğa har jins özin lājaram,
Beli sari ul kamand-i ’anbar-afšān tartadur.

[5] девонда: tegürä; [6] Шеърнинг давоми девонда:

] ikki yanï mast-i lāyaʻqil ne āsān tartadur.
Yoq turur yalğuz bu Lutfî jānïğa javr-i raqib,
Qayda bir dānā durur ul čavr-i nādān tartadur.

II. Lutfî

Ey āyat-i rahmat, yüzüŋüz šānïda nāzil,
Bolğay qačarïŋ birlä qačan mehr muqābil.
Sizdin keräk ögränsä perî ādamîlïqnï,
Yusuf dağï ta’lim keräk alsa šamāyil.
*Yalğuz men emäs-men havasïŋ birlä girigtār,
Husnuŋğa erür[1] hur-u malak jān bilä māyil.
Hārut közüŋ sehrini kördi, xajil oldï,
Andïn yašunup ixtiyār etti čah-i Bābil.
Ul sač-mu turur[2] subha yaqïn yāhud uzun tün,
Ya ğāliyadïn dil-u köŋüllärgä salāsil.
Jān mushafï sî-pāra bolur qayğuda har dam,
Haykal iligi boynuma[3] tā boldï[4] hamāyil.
Hajriŋda tilär[5] Lutfî quluŋ öz ajalïnï,
Sensiz kečürän ’umurdïn, ey dost, ne hāsil.

И з о ҳ л а р:

Бу ғазал девон нашрида 143- рақам билан берилган.

*Девонда бу байт кейинги байтдан кейин келган; [1] девонда: turur; [2] девонда: -dur; девонда: boynïna; [4] девонда: tüšdi; [5] Шундан кейин девонда: har dam ajal Lutfî-i miskin[.

III. Lutfî sözi*

Seniŋ üsrük közüŋgä ne xabar bar
Kim, andïn ’aql-u jāŋğa köp xatar bar.
[1]Munajjim qaš-u közüŋ körgäč aytur
Kim[2], ušbu ay bašïnda[3] fitnalar bar.
Qašïm köz bahrï üzrä köprügüŋdür,
Seŋä har nečä-kim, mundïn[4] gudar bar.
Qïrān qïldï[5] közüŋ ay-teg yüzüŋdä,
Qïrāndur anda arï-kim[6] nazar bar.
Qazā kelgändä[7] Lutfî[8] öz halākïn
Tilär alnïŋda kāmi[9] bu qadar bar.

И з о ҳ л а р:

Бу ғазал девон нашрида 66- рақам билан берилган.

*Ушбу ғазал Истанбулнинг Сулаймония кутубхонаси Аёсофия бўлимида сақланаётган 4757- сонли уйғур ёзувли мажмуада ҳам келтирилган. Бироқ у ерда ғазал бир оз фарқ қилади. Фарқи қуйидагича: [1] Иккинчи байт навбатдаги байтдан кейин келган. [2] ki; [3] bašïda; [4] andïn; [5] qïlğay; [6] arï anda-kim; [7] kelgän küni; [8] Шундан кейин: qašïŋda]; [9] [Tilär özin murādï].

Девондаги вариантидан фарқи: Иккичи байт учинчи байтдан кейин келган; Учинчи байт шундай:

Yoluŋda qaš erür köz bahrïna pel,
Seŋä har nečä-kim andïn gudar bar.

Тўртинчи байтдаги arï-kim ўрнида девонда -kim arï[, бешинчи байтдаги alnïnda ўрнида девонда qašïŋda].

IV. Lutfî

Ey latāfat bostānï ičrä sarv-i xušxirām,
Taptï ruxsārïŋ gulindin husn bāğï ihtirām.
Ay yüzüŋni küngä oxšatsam muvajjahdur dalil,
Āb-i hayvān desäm irniŋni[1] erür mālā kalām.
*Bolsa dozahta xayālïŋ tanğa küymäklik halāl,
Bolmasa jannatta yādïŋ jāŋğa āsāyiš harām.
Zarvaraq-teg bolmïšam simin saqaqïŋ šavqïdïn,
Kör-ki ne zard-u nizār etti[2] meni savdā-yi xām.[3]
Vazzuhā val-layl oqur-men yüz-u zulfuŋnï[4] körüp,
Kečti[5] ’umrum barča-vu virdim erür bu subh-u šām.
Garči mahramdur raqibïŋ Haqtïn üzmäs-men ’umid,
Berdi kāfirnïŋ murādïn bermägäy-mu bizgä kām.
**Ïtlarïŋïz birlä boldï Lutfî yarïm āšinā,
Jān qadamlarï fidāsï qïlsalar išni tamām.

И з о ҳ л а р:

Бу ғазал девон нашрида 159- рақам билан берилган.

[1] Девонда: ağzïŋnï; * бу байт девонда бешинчи байтдир; кейинги байт ҳам бундан олдин келган; [2] девонда: etmiš; [3] девонда бундан кейин қуйидаги байт бор:

Qāmatïŋ tubā nihālïdur, labïŋ - kavsar suwï,
Yüzüŋ ul hur-i behišti tuttï bu ’ālî maqām.

[4] девонда: zulf-u yüzüŋni; [5] шундан кейин девонда: Lutfî ’umrï-vu virdi[; **бу байт девонда йўқ].

V. (Lutfî)

Közüŋ-ki lāla-vu nasrin üzä magar[1] uzala yatur,
Xotan čečäkläridür-ki[2] magar ğizāla (ğazāla?) yatur.
Ne uyqusï ağïr ermiš meniŋ bu baxtïmnïŋ
Ki, munča-kim qïladur köŋlüm āh-u nāla yatur.
Köŋülni nār yaŋğağï örtär özgä alï bilä,
Yoq ersä yazïda čandïn hazār nāla[3] yatur.
Firāq sarhïnï irsāl qïlğalï, hayhāt,
Rasul tapman-u jibimdä yüz risāla yatur.
Gah inčkä ağrïq etär qasd Lutfî, gah savdā,
Qačan-ki belidä ul ’ambarïn[4] kulāla yatur.

И з о ҳ л а р:

Бу ғазал девон нашрида 79- рақам билан берилган.

[1] Бу сўз девонда йўқ; [2] девонда: čečäkläri ičrä; [3] Бу сўз остидаги араб ёзувли сатрида lāla деб изоҳланган; девонда ҳам lāla; [4] девонда: ’anbarïn.

VI. Lutfî aytur

Malak yā hur bilmän yā parî-sen,
Bu raftār ilä yā kabgi darî sen.
Falaknïŋ atlasï-teg kök ton ičrä
Magar-kim āftāb-i xāvarî sen.*
Bu sarv qadd-u šakl-u ševa birlä,
Ayïtqïn[1] rāst, kimniŋ dilbarï-sen?
Közüŋ sehr ögrätür Kašmir elinä[2],
Özüŋ dāstān-i fannïŋ daftarï-sen.
**Malāhat kišvariniŋ dilrubāyï,
Latāfat ma’danïnïŋ javharï-sen.
Qiyā baqmaq bilä jānlar[3] erittiŋ,
Karašma san’atïnïŋ zargarï-sen.
Bu Lutfînïŋ jānïn devāna qïldïŋ,
Nedür atïŋ, qayu yerlik parî sen.

И з о ҳ л а р:

Бу ғазал девон нашрида 224- рақам билан берилган.

* девонда шундан кейин қуйидаги байт ҳам бор:

Yüzüŋgä baqsa, îmān nurï zāhir,
Közüŋgä baqsa, xaybar kāfirï-sen.

[1] девонда: ayïtqïl; ** бу байт девонда йўқ; [2] девонда: eligä; [3] девонда: jānnï.

VII. Bu dağï Lutfînïŋ ğazalï

Nigārā, sensizin mendin ne hāsil,
Agar jān bolmasa, tandïn ne hāsil.
Ču guldïn yoq turur[1] bulbulğa boyï,
Bahār-u bāğ-u gulšandïn ne hāsil.
Jafā-vu ’išvalarnï fan tutup-sen,
Munuŋ-teg ’išva-vu fandïn ne hāsil.
Kiši-kim yoq turur mehr-u vafāsï,
Agar huršiddur, andïn ne hāsil.
Bu türlüg husn ilä Lutfî quluŋğa
’Ināyat qïlmasaŋ, sendin ne hāsil.

И з о ҳ л а р:

Бу ғазал девон нашрида 155- рақам билан берилган.

[1] yoq turur ўрнида девонда raŋ emäs.

VIII. Bu dağï Lutfînïŋ (ğazalï)

Zihî zuhur-i tajallî yüzüŋ safāsïnda,
Savād-i kufr mu’ayyan közüŋ qarasïnda.
Ne turfa nuqta-yi mavhumdur[1] seniŋ ağzïŋ
Ki, jānnï qoydï vujud-u ’ādam arasïnda.
Agar barur-men eligtin mahall-i ’ayb degül
Ki, fitnalar bar ošul ğamza marhabāsïnda.
Raqib közičä sürsäŋ meni köŋül üzmän
Ki, maslahat köp erür husn eli jafāsïnda.
Ne dep bu hāl-i parišānnï aytayïn aŋa-kim,
Yüzi qaralar erür zulf-teg qarasïnda[2].
Ul ay közigä bu sargaštanï qačan ïlsun
Ki, āftāb erür[3] zarra-teg havāsïnda.[4]
Yüzüŋni körmäsä bir damda jān berür Lutfî,
Saburluq ne tilär ’išq mubtalāsïnda.

И з о ҳ л а р:

Бу ғазал девон нашрида 245- рақам билан берилган.

[1] Девонда: mavhum erür; [2] девонда: qafāsïnda; [3] девонда: turur; [4] девонда шундан кейин қуйидаги икки байт ҳам бор:

Bašïmnï bergüsidür yelgä ’išqïŋïz, bildim,
Köŋül tüšüngäli ul zulf-u yüz havāsïnda.
Tabassumïndïn erür bas ’ajab meniŋ ölärim
Ki, ruh baqiyadur la’l-i jān fazāsïnda.

***IX. Mavlānā Lutfînïŋ ğazalï**

Boldï bahār-u jān qušï ul yan havā qïlur,
Har nečä ul nigār-i sumanbar jafā qïlur.
Gar qïlmasa jafā[1] meŋä dilbar ’ajab degül,
’Umr-i ’aziz kimgä jihānda vafā qïlur?
Bašïŋğa men safā beräyin der qïlïč bilä,
Javr etmäs özi[2], mehr üčün emdi safā qïlur.
Köz boynïda turur meni bičāranïŋ qanï,
Xublar bilä meni ču öšul mubtalā[3] qïlur.**
***Körklüg üčün habib körünmäs jafāsï heč,
Dušnām nečä bersä, bu Lutfî du’ā qïlur.

И з о ҳ л а р:

* Қўлёзмада бу ғазалдан олдин Seniŋ üsrük közüŋgä ne habar bar … деб бошланувчи беш байтли ғазал ҳам бор. Мазкур ғазалнинг уйғур хатида битилган бошқа бир нусхаси Британия музейида сақланаётган Or. 8193 рақамли мажмуададир. Юқорида унинг матнини келтирганимиз учун (сирадаги III ғазалга қаранг) ушбу мажмуадаги нусхасини қайта келтиришга зарурат бўлмади.

Бу ғазал девон нашрида 45- рақам остида берилган.

Девондаги варианти қуйидагича фарқ қилади: [1] девонда: vafā; [2] девонда: erdi; [3] девонда: āšinā; ** девонда шундан кейин қуйидаги байт келган ва ғазал ҳам тугайди:

Yüzün sifātï Lutfî sözin nāzuk äylädi,
Gul sadqasï durur ne-ki bulbul navā qïlur.

*** бу байт девонда йўқ.

X. Mavlānā Lutfînïŋ ğazalï

Ey qadïŋ tubî-vu jannat xatt-i gulgun üstinä,
Körmädi davrān seniŋ-teg ay gardun üstinä.
Boldï sözüm nāzuk-u zehnim[1] xuš-u tab’ïm latif,
Har nečä[2] saldïm nazar ul šakli mavzun üstinä.
Sarv anïŋ-teg qāmatïŋ hayrān[i]dur-kim dāyimā[3],
Qïldï qušlar āšiyān andağ-ki, Majnun üstinä.
Har dam ey köz yašï yüz körmäy meni fāš äylämä,
Davlatïmdïn ağnadïŋ yïllar ču altun üstinä.
’Āfarin[4] qašïŋ ğamïnda xāl-teg köz mardumï,
Muški tardïn nuqta-yi sulsi turur nun üstinä.[5]
Gar vatan Lutfî közindä qïlmadïŋ[6] yoqtur ’ajab,
Ew qoparmağlïq erür dušvār Jayhun üstinä.

И з о ҳ л а р:

Бу ғазал девон нашрида 240- рақам билан берилган.

[1] Девонда: köŋlüm; [2] остидаги араб ёзувли сатрида бу сўз ўрнида qačan ёзилган, девонда ҳам qačan; [3] девонда: bašïğa; [4] девонда: ’anbarin; [5] шундан кейин девонда қуйидаги байт бор:

Nečä čeksün xublar ilgindin balā miskin köŋül,
Munča-mu āfat qïlur bir qatra-i xun üstinä.

[6] девонда: tutmadïŋ.

XI. Lutfî ğazalï

Ey jamāl-u husn-u xulq-u[1] ševalar birlä ğanî,
Qïl anïŋ üčün karam-kim, bay yaratmïš[2] Haq[3] seni.
La’lïŋgïz fikri daqïqïndïn[4] meŋä[5], ey bağrï taš,
Bir tegirmändür-ki, qan birlä yürütmišlär anï.
Köŋlümiz yoq boldï-vu[6] ağzïŋdadur bir badgumān,

Ne üčün penhān[7] erür, avval yašurmaydur anï?
Boldï[8] köŋlüm qušï sayd(ï) özgä dām-u dānağa,
Garči bir yolï ’ināyat közidin saldïŋ meni.
Zulfuŋuz[9] xajrïnda[10] söz boldï čü[11] muškul Lutfîğa,
Ne navā[12] qïlsun xazār arïču yoqtur gulšanï.

И з о ҳ л а р:

Бу ғазал девон нашрида 284- рақам билан берилган.

[1] Девонда: nāz-u; [2] девонда: yaratmïštur; [3] девонда бу сўз йўқ; [4] девонда: daqïqïdïn; [5] девонда: közüm; [6] шундан кейин девонда: ağzïŋğa eltür bir gumān[; [7] шундан кейин девонда: bolur gar ul yašurmaydur qanï; [8] девонда: bolmadï; [9] девонда: yüzüŋüznüŋ; [10] девонда: hajrïda; [11] девонда йўқ; [12] девонда: benavā.

XII. Lutfî ğazalï

Haq burun andïn-ki x(i)l’at naqšïn izhār äylädi,
Jān bilā köŋlümni ’išqïŋğa giriftār äylädi.
Šakkar ağzïŋdïn[1] süčüglüg aldï[2]-vu tandï nabāt,
Tüšmäyin[3] iki yïğačqa āxir iqrār äylädi.
*Hālïŋ[4] aytur-ki[5], seni ul ’umr[6] öldürgüsidür,
Har ne üsrük köŋlidä erdi may izhār äylädi.
Ul meni kü(y)dürgüči yüzüŋ üzä zulfuŋ üčün,
Gar xalil ermäs nedin haq, otnï bostān[7] äylädi.**
***Gar falakniŋ qasdï yoqtur jānïmïzğa, ne üčün
Furqatïŋ dāğï bilä bağrïmnï[8] afgār äylädi.
Nātuvān közüŋ magar hamdard istär-ki[9] meni,
Xajra (xajr?)[10] ilä bir turfatu-l-’ayn ičrä bimār äylädi.
Bu[11] köŋülniŋ bašïna tufraq-kim har yan barïp,
Lutfînï barča ’azizlar közidä xor äylädi.

И з о ҳ л а р:

Бу ғазал девон нашрида 325- рақам билан берилган.

[1] Девонда: irniŋdin; [2] девонда: eltti; [3] девонда: tüzmäyin; * бу байт кейинги байтдан кейин келган; [4] девонда: la’lïŋ; [5] девонда: aytur-kim; [6] девонда: ğamza; [7] девонда: gulzār; ** шундан кейин девонда қуйидаги бат келади:

Körmäsün yā rab jihānda yaxšïlïqnïŋ yüzini,
Xāsidi kim, makr ilä yārïmnï ağyār äylädi.

*** бу байт кейинги байтдан кейин келган; [8] девонда: köŋlümni; [9] девонда: istär-kim; [10] девонда: sehr; [11] шундан кейин девонда: [köŋülnüŋ bašïğa tupraq-kim].

XIII. Lutfî ğazalï

(Öltürür hijrān meni ul rāhat-i jāndïn yïraq,
Tüšmäsün gul mavsimï heč kimsä jānāndïn yïraq)*.
Yaz faslï-kim erür ’ayš-u tarabnïŋ mavsimï,
Saldï bulbul-teg meni gardun gulistāndïn yïraq.
Lāla-teg bağrïmda dāğ ermäs ’ajab-kim qalmïšam,
Bir sumanbar, yüzi gul, sarv-i xirāmāndïn yïraq.**
Ey köŋül, xasratta jān bergil dağï vasl istämä,
Kim erür mehr-u vafā ul šāh-i xubāndïn yïraq.
Körkiniŋ bāğïnda yïğmïš mahvašïm gul xirmanï,
Bir nafas ul vajh ilä ermäs-men afğāndïn yïraq.
Lutfî zulf-u yüzidin hayrat maqamïda[1] tüšüp,
Bir ’ayb[2] ’ālamda qalmïš kufr-u îmāndïn yïraq.

И з о ҳ л а р:

Бу ғазал девон нашрида 118- рақам билан берилган.

* Ғазалнинг ушбу байти фақат араб хатида ёзилган; ** шундан кейин девонда қуйидаги байт келади:

Dostlarnïŋ köŋli gul-teg ačïlïp gul-gašt ara.
Men munuŋ-teg yazïda ul ’ayš-u javlāndïn yïraq.

[1] девонда: maqāmïnda; [2] остидаги араб ёзувли сатрида бу сўз ўрнида ’ajab ёзилган, девонда ҳам ’ajab.

АДАБИЁТЛАР:

[1] Лутфий асарлари қўлёзмаларининг каталоги. Тузувчи Э. Аҳмадхўжаев. Тошкент, 1987. 13–53, 87–91-б.; Lutfî Divanı. Giriş–Metin–Dizin–Tıpkıbasım. Günay Karaağaç. Ankara, 1997. қаранг: Lutfî Divanı, S. XIX–XX.

[2] *А.М. Щербак.* Поэтические произведения предшественников Нава’и (по рукописи Or. 8193, хранящейся в Британском Музее). – Письменные памятники Востока, М., 1975. С. 172–184, 332–341; *O.F. Sertkaya.* Uygur Harflariyle Yazılmış Bazi Manzum Parçalar. II. İstanbul, 1975, S. 17–19, 21–22; Levha III–V, VIII–IX.

[3] *O.F. Sertkaya.* Osmanlı Şâirlerinin Çağatayca Şiirleri. III. Uygur Harflariyle Yazılmış Bazi Manzum Parçalar. I. İstanbul, 1972. S. 13–15, Levha X.

[4] *O.F. Sertkaya.* Osmanlı Şâirlerinin Çağatayca Şiirleri. III. Uygur Harflariyle Yazılmış Bazi Manzum Parçalar. I. S. 19–22, 27–32; Levha XI–XIV, XVIII–XXV.

[5] Lutfî Divanı, S. XIX–XX; 1–335.

Тошкент давлат шарқшунослик институти,
2009 йил 5 ноябрда қабул қилинган